



Хосе Ортега-и Гассет, номи Шпинглер, Юнг, Фроммлар билан бир қаторда турадиган XX аср испан файласуфи. Парадоксал қарашлари билан ўз даврининг улуғ мутафаккирига айланган Гассет кейинги бир аср давомида қизғин муҳокама майдонига айланган “Оломон исёни” асарини 1929 йилда ёзган. “Оддий ошпаз ҳам давлатни бошқара олади”, деган ғояни илгари сурган большевикларнинг ҳукумат тепасига келиши ҳамда “тўда”чиликнинг даҳшатли кўриниши бўлган фашизм келтирадиган фожиаларни ўз вақтида пайқаган ва хушёрликка чақирган бу асар орадан юз йил ўтса ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ. Ахборот технологиялари тараққий этган, оммавий маданият гуллаб-яшнаган бугунги кунда ҳам Гассет ўртага ташлаган масалалар яна кун тартибида турибди. Қуйида “Оломон исёни” асаридан бир парча эътиборингизга тақдим этилмоқда.

ОЛОМОН ИСЁНИ

Хосе Ортега-и
ГАССЕТ

Бугунги дунёда бир нарса тобора аниқ бўлиб борапти: оломоннинг хошиш-иродаси бутун Европанинг барча жабҳасини ўз қомига тортиб, онгимиз ва ҳаётимизга мўр-малахдай бостириб кириб, жамиятда ҳукмрон мезонга айланыпти. Жамиятни қўя турайлик, ҳатто ўзини бошқаришга қодир бўлмаган оломон диди ва кайфиятининг ҳукми-ҳозиққа айланаётгани ҳар бир онгли кишида хавотир туғдиради ва бу ҳолат Европа халқларининг, алахусус, маданиятининг боши берк кўчага кириб қолганидан дарак беради. Тарихда бундай кўргиликлар бир неча марта содир бўлган ва унинг оқибати ҳам бугун ҳаммага беш қўлда маълум. Ҳатто унинг номию аъмоли ҳам барчага аён: бу оломон исёни деб аталади.

Ушбу жараённинг фожиасини тўла англаб етиш учун даставвал кўзимизга ташланадиган “исён”, “оломон”, “бошқарув” каби атамаларнинг зоҳирига эмас, балки бу тушунчалар ортида турган сиёсий ва ижтимоий моҳиятга эътибор қаратиш керак бўлади. Жамият ҳаёти – бу фақат сиёсий тушунча эмас, у кийинишу кўнгил очиш муносабатларидан тортиб, қадриятлар, одатлар билан бирга иқтисодий, маънавий, энг аввало, интеллектуал салоҳиятни ҳам қамраб олади. Инчунин, бизни қомига тортаётган тарихий фожиани теранроқ ҳис қилиш учун давримизни ишғол қилиб олган ва биз кўникиб бораётган бу замонавий ҳодисанинг кўринишига нисбатан идрокимизда пайдо бўлган хавотирли илғамларга ишонишимиз керак бўлади.

Фожага ном қўйиш осон, аммо уни бутун маҳобати билан туб асосигача кўрсатиб бериш анча мураккаб масала: чунки гап тобора урчиб, диду савиямизни ўзиники қилаётган оломончилик, тўда издиҳоми ҳақида кетяпти. Оломончилик жуда осонлик ва жуда тезкорлик билан тамаддун яратган барча нарсани, тамаддунинг ўзини ҳам қарам қилиб олмоқда, ўзининг диди ва савиясига бўй-

сундирмоқда. Бу кишида хавотир ва шубҳа уйғотади. Шубҳа – ғайритабиий ҳиссиёт. У фикрловчи одамнинг суянчи ва асоси. Шунинг учун ҳам фикр кишисининг кўзлари замонга боққанча тонг қолиб, ўзига келолмай турибди.

Оломон ҳали ҳеч қайси замонда бунчалик қамровга эга бўлмаган, бунчалар маҳобат касб этмаган. Дунёга нима бўляпти ўзи, деган савол қаршимизда кўндаланг турибди.

Тўдалашиш ўзи-ўзидан, бўшлиқда пайдо бўлгани йўқ. Аҳоли сони ўн беш йил аввал ҳам миқдор жиҳатдан шунча эди. Уруш уни янада камайтирди. Шунга кўра, ҳулоса қилиш мумкинки, гап миқдорда эмас. Бугунги оломон аввал ҳам бор эди, аммо ҳозиргидай хатарли тўдага айланмаганди. Улар кичик гуруҳ ёки якка-якка ҳолда тарқоқ ва уюшмаган ҳолда тақдир белгилаган ўз кўноқларида истиқомат қилишарди, ҳар бири ўз иши, ўз ташвиши билан банд эди – қишлоқдами ёки хуторда, шаҳар четими ёки қўрғонлардами, ҳар бирининг истиқомат ҳудуди ва ўз машғулотли бор эди.

Кейин ҳаммаси бирдан ўзгарди – биз бугун тўдалар издиҳоми билан юзма-юз турибмиз. Ҳар бурчак, ҳар бир соҳа уларники бўлди – ҳар қандай жамиятнинг асосий қуввати ҳисобланган танланган озчилик четга сиқиб чиқарилди. Жамият шохсупасида пайдо бўлган тўда бирдан ҳамма нарсани ишғол қила бошлади – уларнинг нуқтаи назари энди ҳамма нарса учун мезонга айланди, улар бошролни ижро этишга киришди: якка хонандалар энди йўқ, аммо хор бор.

Тўда – бу ҳам саноғи, ҳам кўринишига кўра, оммани билдиради. Бу социологик тушунчани инкор қилиб ўтирмай, ўз ҳолича қабул қиламиз. Демак, тўда бу “оломон” дегани. Жамият ҳамиша кўпчилик ва озчиликдан ташкил топиб келган. Озчилик – бу ўзига хос шахсий хусусиятларга эга кам сонли кишилар, “оломон”да эса айрича

хусусиятлар бўлмайди. “Оломон”ни миқдор кўрсаткичи бўлмиш кўпчилик бўлган “меҳнаткаш омма” билан чалкаштирмаслик керак. “Оломон” – бу ораликдаги кишилар: улардаги миқдор сондан кўра сифатга тааллуқли. Бу умумий сифат, яъни бошқалардан фарқланмайдиган, тўдага хос ва тўдабоп хусусиятларга эгаллиги билдиради. Шу сабабли ҳам у ўзида “тўда” деган типни акс эттиради... Психологик жиҳатдан бу “тўда”га баҳо бериш учун бутун тўдани ўрганиб чиқиш шарт эмас: шу “тўда”га мансуб битта типни ўрганиб, унинг оломон тўдасига мансуб ёки мансуб эмаслигини англаб олиш қийин эмас. Оломончилик бу ўзини бошқалардан ажратиб турадиган сифат ва фазилатларга эга бўлмаган, айнан ўзининг “тўда”га ўхшаши, “тўда”дан фарқланиб турмайдиган, эзгулик ва ёвузлик ҳақида ўртача тасаввурга эга, ўзини яхши деб ҳам, ёмон деб ҳам ҳисобламайдиган, ҳаммабоп фикрлайдиган, барчага хос фазилату хусусиятга эгаллиги билан ўзини алоҳида деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши – бу тўда дегани. Агар бу тоифадаги кишилар бошқалардан ажратиб турадиган, шаън, нафсоният ва истеъдод менда ҳам борми, деган ўлчам билан ўзларига баҳо беришса, шубҳасиз, бу меъёрларга мос эмаслигига амин бўлишади; улар айнан бошқалардан шу жиҳатлари билан ажралиб туришлари ва “тўдага” хослиги, умуман, бир хил қиёфада экани, бир қолипда фикрлаши билан фахрланишади: биттаси бутун тўдани, бутун тўда эса ўзига мансуб ҳар бир кишини ўзида акс эттира олади. Шу сабабли “тўдачилик” сондан кўра уларга хос сифатни акс эттиради.

Модомики, шундай экан, улар четга суриб ташлаган “танланган озчилик” кимлар, деган савол туғилади: биз “танланган озчилик” деганда одатда тушуниладиган жамият синфий иерархиясини тушунмаймиз, ва биз назарда тутган “озчилик” синфий ёки



жамиятда тутган мақомига қараб белгиланмайди – “танланганлар” барча синфни – меҳнаткашдан тортиб киборларгача қамраб олиши мумкин. Унинг сифати синфий тушунча эмас, бу интеллектуал мақом. Биз назарда тутган “озчилик” ўзига ўзи талаблар қўя олган, Шахсга юкланган масъулиятни бўйнига олган кишилардир.

Шунга кўра, бугунги жамият иккита қарама-қарши тоифага бўлинади: бири – бу ўзига ўзи талаблар қўя олган, Шахс масъулиятини бўйнига олган, шу мақсадда йўл излаган “озчилик”, иккинчиси эса, оқим билан бирга оқаётган, ўзини ҳам, жамиятни ҳам, атрофини ҳам ўзгартиришни истамайдиган, елкасига ҳеч қандай масъулият ва вазифани олмаган “оломон”.

Бу қиёс менга буддизмдаги иккита ортодоксал мазҳабни эслатади: бири “катта доира”дан кетадиган “катта йўл”ни танлаган, ўзига жуда катта талаблар қўйган Махаянчилар, иккинчиси “кичик доира”ни танлаган, “кичик йўл”га тушиб олган Хинаянчиларни: қайси йўлни танлаш ва ўзини қайси доирага тааллуқли деб сафарбар қилиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

Шундай экан, биз назарда тутган “танланган озчилик” ва “оломон” тушунчаларининг синфларнинг ижтимоий ҳолати ва жамиятнинг иерархик бўлинишларига алоқаси йўқ. Бинобарин, олий табақа ёки омма деганда биз ўзини “катта доира” – “катта йўл”да деб ҳисоблаганларни ёки ботинан оломонга мансубларни назарда тутамиз. Аслида, ижтимоий табақаларнинг ҳар бирининг ичида “оломончилик” ҳам, “танланганлик” ҳам мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, киборлар ва олиймақомдагилар плебейлик ва оммага ҳукмронлик қилишлари билан ўзларини алоҳида табақа ҳисоблашлари бугунги кунгача сақланиб келмоқда ва бундай мақомдан фахрланиш анъанаси ҳалигача мавжуд. Аммо моҳият шундаки, жамиятнинг қайси табақаси бўлмасин, танланганлиги ёки оломонга мансублиги унинг ижтимоий табақасига қараб эмас, идрок салоҳияти билан белгиланади. Киборликда жинсларнинг аҳамияти бўлмагани каби, интеллектуал салоҳиятда ҳам ижтимоий фарқланиш йўқ: шу пайтгача “оломон” тушунчасининг эталони бўлиб келган ишчилар орасида ҳам олий интеллект соҳиблари етарлича топилади.

Алалхусус, жамиятда шундай соҳалар борки, у кишидан алоҳида салоҳият, иқтидор, масъулият ва билим талаб қилади. Бундай талаб оддий кўнгилочар томошаларни уюштиришдан тортиб, сиёсий ва ҳукумат-бошқарув ишларигача тааллуқли. Бу ишлар билан илгари салоҳияти етарли ёхуд шунга интилган кам сонли алоҳида иқтидорлар

шуғулланарди. Ўзини оломоннинг бир бўлаги деб билган ва бу хусусиятлардан воз кечишни истамаган кўпчиллик бу ишларнинг яқинига ҳам йўламасди. Улар бунинг учун алоҳида малака ва истеъдод кераклигини билишар, “Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин” нақлига амал қилар, жамиятнинг ички қонуниятларини жуда теран англаарди.

Агар биз бутун Европани қамраб олаётган юқоридаги манзарани назарда тутсак, унда аниқ бир нарсага – оломоннинг жамиятдаги роли кескин ўзгарганига амин бўламиз: у энди жамиятнинг олд саҳнасига чиқиб олиб, аввал фақат озчиллик машғул бўлган вазифаларни ўз зиммасига олди ва бундан завқу шавқ туя бошлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, гарчи бу вазифаларни аввалгилар каби авомдан ажралиб чиққан озчиллик зиммасига олган эса-да, аммо бу озчиллик моҳият эътибори билан ўзини алоҳида озчиллик қиёфасида намоён этаётгани, лекин сифат кўринишига кўра оломоннинг бир қисми, яъни иқтидори ва салоҳияти оломонники экани фош бўлиб қоляпти. Агар кўпчилликка маъқулу ўзларига монанд бўлса, бу томошаларни кўравермайдими, деган мулоҳоза туғилиши мумкин: бунга биз ҳам эътироз билдирмаймиз, мабодо ўзига шуни раво кўрган ва бунга моддий имконияти бор экан, уларни бу завқдан қайтариш ниятимиз йўқ. Бироқ фоҳиа шундаки, танланган озчиликнинг вазифасини ўзига олган тўда фақат кўнгилочар томоша соҳалар билан чекланаётгани йўқ, уларнинг томошалари давримизнинг оммавий диди ва савиясига айланыпти: яқин йиллар ичида пайдо бўлган сиёсий тузумлар менга барча соҳалар оломончиликиннинг хоҳиш-иродасига бўйсундирлганини ва барча соҳаларда оломон диктатураси ўрнатилганини тасдиқлаб турибди...


Дастлаб халқ ҳокимияти дейилганда қонун ва тартибнинг устувор экани тушуниларди. Бунга амал қилиш – ҳар бир кишидан ички

масъулиятни талаб этарди. Либерал муҳит ва қонун устуворлиги шароитида алоҳида озчиликнинг яшаш ва ўзини намоён қилиш имкони бор эди. Қонун ва демократия – озчиликнинг мавжуд бўлиш синоними эди. Бугун биз оломоннинг жамиятнинг диди ҳамда савиясини қўпол ва дағал тарзда тўлиқ ўзига бўйсундириб олган, барча соҳалар унинг хоҳиш-иродаси назоратига ўтган гипердемократияга гувоҳ бўлиб турибмиз. Барча жабҳаларда, жумладан, интеллектуал соҳада ҳам шу ҳолат кузатилмоқда. Балки янглишаётгандирман, аммо кузатишимга қўра, қўлига қалам олаётган ҳар қандай ижодкор алал-оқибат адибни йиллар давомида ўйлантириб, ёзишга мажбур қилган муаммолардан мутлақо узоқ бўлган, унинг ёзганларини ўқиган тақдирда ҳам, ҳеч нарсани тушунмаслигини билса ҳам, аммо оммавийлик мезонга айланган пайтда оломоннинг биттаси бўлган тўдабоп дидли ўқувчининг дид ва савияси ҳамда қизиқишлари билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқда.

Оломончилик, энг аввало, бу диддаги турғунлик дегани. Шу сабабли унинг қизиқиши ҳеч қачон мавжуд дидни ўзида акс эттирмайди, аксинча моҳиятдан чалғитади. Аммо у бундан олмайди ва барча соҳаларни ўзининг иродаси ҳамда савиясига мослаштиришда ва баҳо беришда давом этади.

Оммавийлик бир хиллик дегани, оммавийлик ўзига ўхшамаган ва оммага мослашмаган ҳар қандай нарсани инкор қилади ва тан олмайди. Шу пайтгача ҳақиқат шундай бўлганки, ўзларини “ҳамма” қилиб кўрсатганлар аслида “ҳамма” бўлмаган, “ҳамма” ўз ичида мустақил озчиликни ҳам бирлаштирган, озчилик ҳам ўз ўрнига эга ранг-барангликдан иборат бўлган.

Менинг бугунги Европа ҳаётини кузатиб кўрганларим ва чиқарган хулосаларим шулар. Биз оломончилик диктатураси даврида яшайпмиз...



Назар ЭШОНҚҮЛ
таржимаси.